



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 158 (12.971)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · ЎЗБЕКИСТОН
24
О'ЗБЕКИСТОН



Шаҳримизнинг барча туманлари, хусусан, Олмазор туманида ҳам мустақиллик шодиёналарига тайёргарлик ўзгача руҳда кечмоқда. Тумандаги барча маҳаллаларда тозалаш ва орасталаш ишлари олиб борилмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасаларда байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш режалаштирилган.

ОЛМАЗОР ТУМАНИ: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШЛАР САРИ



Кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида Олмазор туманида жуда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу тумандаги бунёдкорлик ишларидан яққол кўриниб турибди. Янгидан янги қурилган йўللار, аҳоли учун кўп қаватли уйлар, дам олиш масканлари ва бошқа объектлар шулар жумласидандир. Олмазор, шунингдек, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам шаҳримизнинг олди туманларидан ҳисобланади. Ҳозирда бу ерда 4700 дан ортиқ корхона фаолият олиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор натижасида туманда бундай тадбиркорлик субъектлари сони тобора кўпаймоқда. Айни пайтда 4100 дан зиёд мана шундай корхоналар фаолият олиб бораётган бўлиб, иш билан банд аҳолининг аксарият қисми улар ҳиссасига тўғри келади.

Худуди ва аҳоли сонига кўра Олмазор Тошкент шаҳрининг энг катта туманларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда 58 та маҳаллада 337 мингдан ортиқ аҳоли кўп қаватли ва яқка тартибдаги уйларда истиқомат қилишади. Туман миқёсида 726 та кўп қаватли уй бор, бундан кўринадики, аҳолининг аксарият қисми мана шу уйларда яшашади. Туман мутасаддилари томонидан мазкур уйларнинг ҳолатини яхшилашга доимий эътибор қаратилиб келинади. Ҳозирда бу уйларнинг куз-киш мавсумига тайёргарлиги яна бир бор назоратдан ўтказилиб, таъмирталаб бўлган қисмларига ишлов берилаётган.

Шунингдек, яқка тартибдаги уйларнинг атрофи, маҳаллалар гузарлари, кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилмоқда. Ариқлар тозаланиб, чиқиндилар белгиланган ҳудудларга олиб бориб ташланмоқда. Бу борадаги ишлар туманнинг янада гўзал кўриниш қасб этишига ҳисса қўшмоқда.

(Олмазор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Истиқлол шарофати билан Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз, жумладан пойтахтимизда кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу эзгу мақсадларни амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам ўрни бекиёс.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАҲАЛЛА — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилган ислохотлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Буни нафақат халқимиз, балки бутун дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда.

Айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари такомиллашганлиги, унинг вазифалари кўлами кенгайиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг изчил йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу кунларда «Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чоратadbирлар» Дастури асосида барча ҳудудларда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови ўтказилмоқда.

Ватанимиз истиқлолининг 24 йиллиги байрами муноса-

бати билан ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида пойтахтимизнинг барча туманларида жорий йилнинг июнь ойида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови 475 та маҳаллалар орасида ўтказилиб, 11 та голиб маҳаллалар шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритган эди.

Танловни ўтказишдан мақсад янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган вазифалар ижросини жойларда тўла таъминлаш, фуқаролар йиғинларининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш, аҳолининг

маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида маҳаллаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, йиғин ходимларини рағбатлантириш ва муносиб тақдирлаш ҳамда фуқаролар йиғинларининг илғор тажрибаларини оммалаштиришдан иборат.

Танловнинг шаҳар босқичида иштирок этадиган голиб маҳаллалар оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳудудни ободонлаштириш, кексаларни эъзозлаш, миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб этиш, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашда самарали фаолият кўрсатган фуқаролар йиғини каби бир қатор номинациялар бўйича аниқланади.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Энг улуг ва энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг 24 йиллиги олдида «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!» шиори остида ўтадиган мазкур танловнинг шаҳар босқичи жорий йилнинг 5 августидан «Туркистон» саройида ўтказилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси 2015 йил 6 август кўни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 5 август кўни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда турли маданий-маърифий тадбирлар уюштириш, айниқса, ёшларнинг амалий ва тасвирий санъат, рақс, созандалик каби тўғарақларда ўз маҳоратини ошириши учун барча қулайлик яратилган.

• Самарқанд вилоятининг Ургут туманида тубдан реконструкция қилинган «Чорчинор» бо-

лалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди. Мутасаддиларнинг маълум қилишича, жорий мавсум бошидан буён Самарқанд вилоятидаги 25 доимий оромгоҳда 11 минг 200 нафардан ортиқ бола соғломлаштирилди.


• Андижон шаҳрида Самарқандда ишлаб чиқарилган «Samavto LE 60» русумли янги автобуслар аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Айни пайтда ҳар бири 56 нафар йўловчини ташиш имконига эга тўққизта янги автобус шаҳардаги «Аэропорт-Узумзор» йўналиши бўйича ҳаракатланмоқда. Жорий йил охирига қадар шаҳарда бу каби автобуслар сони 100 тага етказилиши кўзда тутилган.



• Дунёдаги йирик банклардан бири «HSBC» Бразилиядаги бўлимини 5,2 миллиард АҚШ

долларига сотишини маълум қилди. «Bloomberg» агентлигининг ёзишича, ҳозир маҳалли «Banco Bradesco» мазкур молия муассасасига даъвогарлик қилаяпти. «HSBC» шартларига кўра, юқорида кўрсатилган сумма тўлиқ пул шаклида ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши керак. Шунингдек, у Бразилиядаги йирик корпоратив миқдорларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқини ҳам ўзида сақлаб қолмоқчи.

• АҚШнинг Калифорния штатида давом этаётган кучли ўрмон ёнғинлари оқибатида 20 киши ҳаётдан кўз юмган. Бу ҳақда «CNN» телеканали хабар тарқатди. Бундан ташқари, тобора қамрови кенгайиб бораётган «тилсиз ёв» туфайли қарийб 12 минг нафар аҳоли эвакуация қилинди. Ҳозир ёнғинга қарши курашга 9,3 минг нафар ўт ўчириш хизмати вакили жалб этилган.



ОЛМАЗОР ТУМАНИ:

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШЛАР САРИ

ҚАДР-ҚИММАТ
МАСКАНИ

Ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, миллий маънавиятимизга эид бўлган салбий таъсирларнинг олдини олишда маҳаллалар алоҳида ўрин тутати.

Халқимизда тўй ва байрамларни маҳалла билан бирга қўтиб олиш ва нишонлашдек яхши бир одат бор. Бугун юртимизнинг барча маҳаллаларида истиқлолимизнинг 24 йиллик тантаналарини қўтиб олишга тайёргарлик қилинмоқда. Маҳалла гузарлари, кўчалар, майдонлар, кўзга кўринган гўшалар, зийратгоҳ ва табаррук қадамжолар тозаланиб яна бир бор эътибор берилиб, ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Ана шундай эзгу ишлар шахримизнинг Олмазор туманидаги «Хончорбоғ» маҳалласида ҳам қизгин давом этмоқда.

«Хончорбоғ» тумандаги намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда бу маскандаги мингдан зиёд оилада 3800 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада аҳоли бандлиги, ёшлар тарбияси ва бошқа масалалар доимий эътиборда. Ёшларнинг бўш юрмаслиги, ёмон иллатларга қўшилиб қолмасликлари учун улар ишга жойлаштирилиб, бўш иш ўринлари билан мунтазам таъиништирилиб келинмоқда. Шунингдек, янги қурилган маҳалла идорасида аёллар маслаҳат маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда аёллар ва турмушга чиқадиган қизларга зарур маслаҳатлар бериб борилади.

Маҳалламиз йилдан йилга ободлашиб, замонавий қўрилиш кўсб этмоқда, дей-

ди маҳалла оқсоқоли Қаҳрамон Зафаров. – 2014 йилда қурилган, маҳалламиз худудидан ўтувчи «Нурафшон» кўчаси аҳоли учун кўпгина қулайликлар яратди. Машиналар қатнови ҳамда одамларнинг шахримизнинг бошқа туманларига бориб келиши учун жуда қулай йўл бўлди, десак адашмаймиз. Шунингдек, жорий йилда маҳалламиз худудидан миллий таомлар ошхонаси, болалар майдончаси, мини футбол ва бадминтон майдончалари қурилди.

Маҳалла оқсоқолининг таъкидлашича, худудда байрамолди тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Таъмирталаб кўчаларга асфальт ётқизиш, йўл четидида бетон тўсиқлар, дарахтлар оқланди. Ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро байрамни яхши кайфиятда нишонлашга ўз ҳиссасини қўймоқда.

Маҳалла меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик масканидир. Ҳеч бир давлатда учрамайдиган юртимиздаги бундай тузилма доимо инсонларни тинчлик-осойишталик, дўсту биродарлик, аҳиллик ва бирдамликка қорлайди. Шундай экан, маҳаллаларимиз қанчалик обод бўлса юртимиз ҳам шунчалик обод бўлади, маҳаллаларимизда қанчалик аҳиллик ва бирдамлик бўлса мустақиллигимиз ҳам мустаҳкам ва абадий бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўплаб очик ва ёпиқ турдаги спорт иншоотларининг барпо этилиши, замонавий жиҳозларга эга спорт мактабларининг очилиши ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом қилиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА
ҚАТНАШАДИ

Шу боис Олмазор туманида спортга бўлган эътибор жуда юқори. 4 та стадион, еттига басейн, шунча спорт мажмуаси, 68 та спорт зал ва 32 та спорт майдончалари ёшлар билан гавжум. Бу масканларда тарбияланаётган ёшлар мамлакатимиз ва халқаро мусобақаларда қатнашиб яхши натижаларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Тумандаги 23-сонли болалар ва ўсмирлар ихтисослаштирилган спорт мактаби ҳам чемпион ёшларни тайёрлашда муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур мактабда спортнинг тўртта тури: сузиш, синхрон сузиш, байдарка ва каноеда эшак эшиш бўйича жами 595 нафар ёшлар шуғулланишмоқда. Уларнинг салкам 300 нафарини қизлар ташкил этади. 2010 йилда ушбу мактаб тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, зарурий спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган.

Мактабнинг бир қатор спортчи ва мураббийлари фаолияти давомида кўплаб ютуқларни қўлга киритганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мактабнинг синхрон

сузиш бўйича ўқитувчи-мураббийи Алина Пионтовская «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. 2014 йилда мураббий Алексей Мочалов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвони соҳиби бўлди. Шунингдек, синхрон сузиш бўйича чемпион бўлган Шоҳида Зоҳидова ҳамда Хуршида Ҳасимовалар 2012 ва 2014 йилларда Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари бўлишди.

Ушбу спорт мактаби тарбияланувчилари юртимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда мунтазам иштирок этиб, ижобий натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Яқинда Қозон шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ушбу мактаб спортчилари ҳам иштирок этишди ва жамоа 38 та давлат орасида 21-ўринни эгаллади. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 55 та биринчи ўрин, 42 та иккинчи ҳамда 38 та учинчи ўринларни ўзлариники қилишган.

Мактабнинг бугунги ёш спортчилари ҳам акалари ва опаларига ўхшаб чемпион бўлишни дилига тугиб шуғулланишмоқда. Уларнинг келажаки фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш ва аҳоли саломатлигини яхшилашга бўлган эътибор кучайтирилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий техник базаси мустаҳкамланиб, малакали шифокор ҳамда ҳамширалар билан таъминланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ фуқароларимиз саломатлиги ва ўртача умр кўриш ёши ижобий томонга ўзгарди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Олмазор туманидаги 17-оилавий поликлиникаси ҳам аҳолининг саломатлик даражасини яхшилаш, тиббий маданиятини юксалтириш, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мазкур оилавий поликлиника бугунги кунда тўққизта маҳалладаги 33 минг 800 дан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келади. Бу ерда клиник ва биохимик лаборатория, ультратовуш диаг-

ностика текшируви, рентген ва флюорография, эндоскопия текшируви, ЭКГ текшируви, массаж ва физиотерапия, муолажа ва эмлаш хоналари беморларни даволашда хизмат кўрсатиб келмоқда.

2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши 17-оилавий поликлиника жамоасига ҳам ўзига масъулият юкляди. Худуддаги барча кексалар чўқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди. Олти нафар уруш қатнашчилари ва 37 нафар фронт орти фахрийлари ҳам чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан

ўтказилиб, уларга имкон даражасида ўз уйларида хизмат кўрсатилди.

Маҳаллаларда саломатлик сектори тузилган бўлиб, ҳафта кунлари давомида аҳоли билан тарғиб ишлари олиб борилади. Клиника худудидан 8566 нафар туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, ўтган олти ой мобайнида уларнинг 59 фоизи тиббий қўриқдан ўтказилди.

Жорий йилда поликлиникадаги ҳар бир умумий амалиёт шифокори «Саломатлик – 3» лойиҳаси доирасида тарози, генетикологик асбоб-ускуналар, кўзни текширувчи табиблар билан таъминланди. Шунингдек, лаборатория асбоб-ускуналари, автоклава ва битта портатив ЭКГ аппарати билан таъминланди. Поликлиникада шунингдек, кадрлар салоҳиятини оширишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиш мумкинки, замонавий ускуналар ва малакали шифокорларга эга бўлган тиббиёт масканида фуқаролар саломатлиги ишончли ҳимояланган.

«Eko d'fir» МЧЖнинг молиявий масалалари бўйича директор ўринбосари. – Хусусан бугунги кунда Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятининг Пскент туманида ҳар бири 200 гектардан кам бўлмаган худудларга томчилаб суғориш системалари ўрнатилмоқда. Бу суғориш системалари биринчидан, сувни тежайди, иккинчидан, қўл меҳнатини енгиллаштиради.

2015 йилдан корхонада яна бир янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Бу экинларни дўл ва қуёшдан ҳимоялашга мўлжалланган сеткалардир. Ушбу янги линия ишга туширилиши натижасида учта янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда бир кунда 500 квадрат метр худди шундай сеткалар ишлаб чиқаришмоқда.

«Eko d'fir» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўз олдига бир қатор янги иш режаларини қўйган. Улар келгусида суғориш тизимида танархия арзон ва қулай бўлган полиэтилен шланглар ва шамол генераторларини ишлаб чиқаришни мақсад қилган.

Саҳифа материалларини Абдуалим САЛИМОВ тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

СОҲА РИВОЖИГА
МУҲИМ ЭЪТИБОР

Пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда Президентимизнинг 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриғидаги муҳим вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси раҳбари Дониёр Аюпов, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ўктам Мирзаёров ва бошқалар мамлакатимизда миллий матбуот соҳасини жадал ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар қўламини кенгайтириш, фуқароларнинг ахборот олиш эркинлигини тўла таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётгани, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида муҳим дастур ва тадбирлар амалга оширилаётганилиги, хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очик ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини оширишда муҳим омил бўлаётганилиги таъкидланди.

Давра суҳбати давомида Давлатимиз раҳбарининг шу йили – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриғидаги муҳим вазифалар ўрганилди, таҳлил қилинди ва журналистлар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВнинг ролини кучайтириш жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳудудий босма нашрларида чоп этилган танқидий ва таҳлилий мақолалар, ҳудудий ОАВлар фаолияти («Огоҳ» газетаси ҳамда «Тошкент» телерадиоканали мисолида) каби масалалар муҳокама қилинди.

Тадбир сўнгига босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда РАСУЛОВА,
Ширин КУРБАНОВА

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ
ЎТМОҚДА

Пойтахтимиздаги «SOS – болалар шаҳарчаси»да «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъаткорлар, «SOS – болалар маҳалласи» тарбияланувчилари иштирок этди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, алоҳида эътиборга муҳтож болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қўллаб-қувватлаш бўлиб, тиббий-психологик, маънавий кўмак бериш, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таътил кунларида ёш авлодни дам олдириш билан бирга, уларнинг жамиятга мослашуви, тиббий-психологик, педагогик реабилитацияси, ижодий-интеллектуал савиясини юксалтириш доимий эътиборда. Турли фан тўғрисида, спорт-соғломлаштириш, интеллектуал ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ўғил-қизларнинг билимини янада бойитиш, жисмонан ва маънан чинқишига хизмат қилаётди.

Ушбу маънавий-маърифий тадбир ёш авлод қалбида муқаддас Ватанимизни улуғлаш, уни кўз қорачигидек асраш, шаъну шафратини ҳимоя қилиш, юртга садоқат каби эзгу туйғуларни сингдиришдек мақсадларга хизмат қилади.

Санъатни севган, унга ошувта бўлган юрак эзулиққа лиммо-лим бўлади. Тадбирда ёшлар бу борадаги билимларини ҳам синовдан ўтказиб, ўз истеъдодини намойён этди.

Таниқли санъаткорлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, ёш ижрочиларнинг тинчлик, Ватан ва истиқлолни тараннум этувчи куй-қўшиқлари тадбир иштирокчиларига ўзгача завқ бахш этди.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
Ўза муҳбири

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

Минтақамизда, хусусан, мамлакатимизда ҳам сув ресурсларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шунинг билан олган ҳолда республикамиздаги сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, суғориладиган майдонлардан олинмайдиган ҳосил миқдорини оширган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли етиштириш талаб этилади.

Мамлакатимизда сувни тежаш ва мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қўллаб-қўллаш амалга оширилмоқда. Жумладан, экин майдонларини томчилаб суғориш технологиялари орқали суғориш яхши самара бермоқда. Шундай экан, мана шундай технологияларга бўлган талаб ҳам ортади. Эътиборлиси, юртимизда бугунги кунда суғоришнинг энг замонавий технологиялари ўзимизнинг корхоналарда ишлаб чиқаришмоқда. Олмазор туманидаги «Eko d'fir» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналар сирасига кирди.

Корхона 2011 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан томчилаб суғориш системалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу билан бирга, суғориш система-

ларини ўрнатиб бериш ҳам корхона томонидан амалга оширилади. Бугунги кунда корхонада жами 11 турдаги суғориш ускуналари ишлаб чиқаришмоқда. Ишлаб чиқаришда юртимиздаги мавжуд хомашёлардан фойдаланилади. 15 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган мазкур жамиятда 2014 йилда 600 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса, олти юз минг метр сув етказиб бериш қўрилмалари ишлаб чиқарилди.

Маҳсулотларимиз республикамизнинг барча худудларига етказилади, – дейди Одилжон Абдусаломов «Eko

Пойтахтимизда ёшларни она-оналар ҳамда кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялашда маҳалла ва оиланинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ФАЙЗУ БАРАКА — МЕҲР-ОҚИБАТДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар масъул ходимлари, маҳалла фаоллари, педагоглар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан оила институтининг ҳуқуқий асослари яратилиб, ҳар томонлама ҳимояси йўлида изчил ислохотлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу оиланинг жамиятда ўзига хос ўрин эгаллашига, соғлом ва барқарор авлодни қамолга етказишдаги роли ва аҳамияти янада ошишига кенг йўл очди.

Зеро, оила — муҳим тарбия ўчоғи. Боланинг дунёқарши, маънавий фазилатлари, катталарга ҳурмат туйғуси аввало оилада шаклланади. Шу билан бирга, маҳалла муҳити бу жараёнда муҳим ўрин тутади. Чунки маҳалла бой тарихий таъриб, миллий урф-одат ва анъаналарни ривожлантириш ва аҳолига сингдиришда муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ана шу мақсад йўлида изчил фаолият юритаётди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига ҳар томонлама қўмак берилмоқда. Фуқаролар йиғинларининг воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари фаолияти тобора ривожланмоқда.

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми изчил рўёбга чиқаришмоқда. Натижада ёшлар ўртасида ўтказилаётган маънавий-маърифий ва маданий тадбирларнинг салмоғи ортди.

«Нуронийлар эъзозимизда» ёшлар ҳаракати ташкил этилди. Бундай ҳаракат барча шаҳар ва қишлоқларда мавжуд бўлиб, улар кексаларнинг ҳолдан хабар олиш, уй юмушларига қўмаклашишдек савобли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётди.

Семинарда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида назарда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда фуқаролар йиғинларининг ролини ошириш, фарзандларимизнинг маънавиятини бойитиш, оила ва маҳаллалардаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашда педагоглар, психологлар қўмағига таяниш, ёзувчи ва шоирларни бу жараёнга кенг жалб этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Кўп йиллар муқаддам шахримизнинг «Тинчлик» маҳалласида истиқомат қилувчи педагогика фанлари доктори, профессор Раҳимжон Усмонов хонадонига борганимни яхши эслайман. Ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш мавзуси бўйича у киши билан суҳбатлашайтиб, гап орасида «Уйидан иш жойига, ишонасидан оиласига шошадиган кишиларни ҳеч қилганимиз, бахтилар сафига қўшиб бўлмай» деган фикри қўлимга чалиниб қолди. Суҳбат тафсилотини умумлаштирган ҳолда бир саҳифалик интервью тайёрлашганим, домланинг ҳикматомуз гапини қаерга сингдиришни билмай қаловландим. Кейинчалик ўша фикрни қайсидир мақолаларимнинг қаеридадир қўллаганман. Аммо орадан қанча йиллар ўтса ҳамки, марҳум педагогнинг ўша гапи ҳаёлимдан кетмайди...

Ҳаётидан мамнун кишининг чехрасига боққанисиз? Унинг юз-қўлида касби ёки ҳунари билан жамиятга хизмат қилиш, оиласи фаровонлигини таъминлаш ҳисси яққол сезилиб туради. Қайси касбда фаолият қўрғатишдан қатъи назар, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаётган замондошимиз шахсий манфаатларини жамият талаб ва мезонлари билан уйғунлаштирганини аниқлайсиз. Чунки инсон яқка ҳолатда ҳаётдан ўз ўрнини топонгандигина унинг бахту саодати учун кенг имконият яратилган.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш, замонавий типдаги маъмурий-маиший иншоотларни фойдаланишга топшириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ва бошқа соҳаларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётганга гувоҳ бўлмоқдамиз. Яратилаётган барча қулайлик ва имкониятлар инсон ва унинг бахту саодати учун эканлигини инкор эта олмаймиз. Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллари ва 2015 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида шундай жумалар қайд қилинади: «Одамларнинг даромадлари ортини билан оилаларнинг моддий аҳоли ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи музлаткич, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, яримдан кўпи компьютер, чанголоткич, микроўқувчи пелларга эга, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмоқда. Бугунги кунда дегирли ҳар икки оиладан бири шахсий транспорт воситасига эга ва бу машиналар айнан ўз юртимизда ишлаб чиқарилгани билан барчамизга мамнуният ва гурур бағишлайди».

Дарҳақиқат, инсон ва жамият манфаатлари бирлашган нуктада фаровонлик муҳити ҳукм санайди. Республика ижтимоий фикр жамоатчилиги маркази ходимлари томонидан ҳар йили юртодошларимиз ўртасида турли сўровномалар ўтказилиб, респондентларнинг муайян воқеаларга муносабатлари ўрганилмоқда. «Ўз ҳаётингиздан мамнунисиз?» йўналиши бўйича охириги уч йилликда ўтказилган сўровнома натижаларининг ижобий томонига ошши фуқароларда фаол ва соғлом ҳаётий позиция шаклланаётганини кўрсатади. Таққослашга ўтасиз: агар 2012 йилда ўз ҳаётиндан тўлиқ мамнун кишилар 85,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 86,8 фоизга кайд қилинган. Ўтган йили эса сўровномада иштирок этганларнинг 88,2 фоизи ўзини ва турмушидан рози эканлигини эътироф этган. Улар қаторида ўз тақдирдан норози шахслар ҳам йўқ эмас, ammo бу тоифадагилар 2,6, 2,1, 0,7 фоизда учрайди, ҳолос.

ГЎЗАЛ ВА ОБОД ЮРТ МАДҲИ

Шаҳримизнинг қай бир гўшасига қараманг энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — истиқлол шодиёнлари ўзига хос шукӯҳга тўла барокатли ва файзли кунлар, карнай-сурнай навалари-ю, дилбар куй-қўшиқлар садолари оғушида кенг кўламда нишонланмоқда.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бўлими ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам тадбирида, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, нуроний отахону онахонлар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, яратувчанлик, ободонлаштириш, қўламазорлаштириш, тарихимиз ва буюқ аجدодлар ўтмишини абадийлаштириш борасида амалга оширилган ишлар, фан, маданият, санъат ҳамда иқтисодий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, туманлар миқёсида олиб борилган самарали ишлар, келажақдаги режалар ҳақида фикрлар билдирдилар.

Шундан сўнг эл севган санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофиси Оролмирзо Сафаров ижросида дилрабо куй ва қўшиқлар янгради. Мирзо Улуғбек туманидаги маданият ва аҳоли дам олиш бадий жамоалари ижросидаги концерт дастурлари барча иштирокчилар ва таширф буюр-

ган меҳмонларнинг қалбига ҳушнудлик ва кўтаринки кайфият бағишлади.

Байрам тантаналари доирасида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳозалари билан қизиқдик.

— Туманимиз ёшлари ўз изланиш, интилиш ва юксак ютуқлари билан жаннатмакон юртимиз доғруғини янада юксакларга кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар, — дейди Дилдора Болиева. — Бугунги байрам шодиёниси кекса-ю ёшнинг қалбига бир олам қувонч улашди. Илоҳим жаннатмакон Ўзбекистонимизга асло қўз темгасин. Тинчлигимиз абадий бўлсин.

— Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги тўй-тантаналарга уланиб кетмоқда, — дейди Мирзо Улуғбек тумани маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Раҳима Юсупова. — Истиқлолимизни бир чаман десак унинг соҳиби бўлиш халқимизни ана шу гўзал даргоҳнинг булбули, орзулари бир олам, ўз келажагини ўзи қўли билан яратётган моҳир бунёдкорга менгашимиз мумкин.

Байрам барчанинг кўнгида қадри банд, келажаги порлоқ ёшларнинг фахр ва ифтихорга тўла самимият балқиб турган кўзларида яна бир бора акс этгандек бўлди.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тадбири ҳам «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида нишонланди.

Тадбир Учтепа туман ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан уюштирилди. Ўзбекистон миллий симфоник камер ва халқ чолғулари оркестри жамоалари ҳамда туман маданият ва аҳоли дам олиш бадий жамоалари ижросида янграган дилбар навалар, дилортар қўшиқ ва гўзал рақслар хироми барчага манзур бўлди.

— Ёшларимиз барча соҳаларда улкан ютуқлари қўлга киритмоқдалар. Уларнинг ҳар бир қадами умидли ва омадлидир, асосийси эса, юртимизда жўшқин ҳаёт давом



этномоқда, — дейди Учтепа тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбари Лола Алимжонова. — Дастурхонларимизнинг тўқин-сочинлиги, тандирларимизда ёпилаётган бўрсилдоқ нонлар юрт фаровонлигидан дарақчи гўё. Истиқлол берган бу инъомларни янада тараққотлар, ҳис эйтиш, улардан баҳраманд бўлиш ҳаммамизга ҳам насиб этсин.

— Биз ёшлар ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини ўзига хос ютуқлар билан қарши олмақдамиз, — дейди Фазлиддин Сатторов. — Ўз изланиш, ин-

тилишларимиз билан жаннатмакон юртимиз доғруғини янада юксакларга кўтаришга ҳаракат қиламиз. Мен бу йил Тошкент техника университети-га ўқишга кириб, келажақда етук муҳандис бўлишчман ва шу азиз дёғруғимиз сийдиқидан хизмат қилмоқчиман...

Мустақиллик берган неъматларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Унинг ҳар бир йилида эзгу ишлар, яхшилик-ка, бирдамликка чорладиган мунаввар кунлар ёғдуси нур сочиб турибди.

Тадбирда ҳунармандлик бўёқлари, миллий либослар, китоб ва тасвирий санъат асарлари ҳамда маҳаллалар фаолиятига оид кўргазмалар ташкил қилинди.

Гулчеҳра ДҮРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар.
Ислам Исмоилов олган суратлар

дан жабрланган кишилар ўз оилавий поликлиникаси томонидан ажратилган имтиёзли йўлнамалар билан жойлашадилар. Йиллар мобайнида қайсидир соҳада меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган ҳамшаҳарларимизнинг дардига малҳам бўлиш, ширинсуханлик билан кўнглига йўл топиш ва уларнинг миннатдорлигини тинглаш биз шифокорлар учун олий даражадаги бахт, аслида. Даволашни учун шахарнинг қайсидир манзиллида клиникамизга келган отахону онахонларнинг дуосини олиш ва касалликдан фориғ бўлишга қўмаклашиш касбий бурчимиздир. Терапия бўлими 50 ўринли бўлиб, 4 нафар шифокор, 12 нафар тиббиёт ҳамшираси даволанувчилар хизматида. Ҳар қўни эрталаб пойтахтимизнинг Ҳувайдо маҳалласидан ана шу даргоҳга ошмакан, сабабини, мени беморларим кутади. Улар билан саломлашиб чиққан, ўзини ҳис қилиши, овқатланиши, дори-дармонларни ўз вақтида қабул қилиши билан қизикаман. Шу тариқа ҳар қўни клиникамизда етиб даволаниш учун келётган уруш ва меҳнат фахрийларини, сурункали дардга чалинган беморларнинг дуосини олиш, нуронийлик акс этган чехраларига боқиб менга бир дунё завқ бағишлайди. Шифокорлик касби орқасидан обрў-эътибор ва бахт топётганим мени янада фидойиллик билан меҳнат қилишга, даволанувчилар билан ҳушмуомалада бўлишга ундайди.

Зиёда Тошева, Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари:

— Ҳар тонг уй-рўзгор ишларини бир ёкли қилиб, 1603 нафар ўқувчи билим оладиган қадардон даргоҳим — мактабга ошмакан, 2006 йилда Ўзбекистон Миллий университети-нинг биология-тупроқшунослик факультетини тавомлаб, ўз фаолиятини ана шу даргоҳда бошладим. «Қўй-чўв» кўтарган болалар давраси бошқа касб эгаларининг асабини толиқтириши мумкин, ammo бу манзара менинг умримга мазмун бағишлаб келмоқда. Болаликнинг завқи ўзгача: ўйнаб-ўйнаб ўсаётган фарзандлар келажагимиз, ишчимизни давом эттирадиган шулар, деган фикр кўнглимдан кечди. Мактабда маънавий-маърифий ишларни тўғри ташкил қилиб, ўқувчилар онгда миллий ва умуминсоний қадриятларга меҳр-муҳаббат йўғотишимиз керак. Синфхонага киришим билан, ўқувчиларим «дуев» этиб ўринларидан туршилади. «Ассалому алайкум» ва «Ваалайкум ассалом» сўзлари жаранглаганда, синфхона ларзага келгандек бўлади. Билим эгалашга чанқоқ болакайларнинг нигоҳида келажақ порлаб турибди. Мен шуни қўш қиламанки, улarga пухта билим берсак, бу нафақат болага, балки жамият учун ҳам сармоядир. Ўсиб-ўлғаяётган бу ўқувчилар аввало, ота-онасининг суоқли нуридийдаси, қолаверса, юртимизнинг эртанги эгаларидир. Уларни интеллектуал ва жисмоний-руҳий жиҳатдан соғлом ривожлантирсак, ота-онасидан «рахмат» эшитамиз. Воёга етётган барқамол авлод ўз Ватанини гўллаб-яшнатади, эли ва миллати учун қўлидан келган хизматини аямайди. Шу нарса аёнки, ўқувчи фақат ўқитувчи меҳнати билангина билимли бўлади, борлиқни англайди, жамиятга муносиб тайёрланади. Дунёга келиб, умргузаронлик қилишдан асл мақсадимиз ҳам шу эмасми?

Қўлида гўлдай касби ёки ҳунари бўлган, оилавий ҳаётда ўзгалар ҳавас қиладиган даражада бахту саодатга эришган, энг муҳими, ўтаётган умридан рози ватандошларимизни юртимизнинг барча жойларида урғатамиз. Улар жуда кўп ва энтрофидидагиларда ҳавас уйғотган. Иншооллоҳ, ҳаётдан мамнун бўлиб яшаётган ўзбекистонликлар сон қўнараётган.

Хулқар КУЗМЕТОВА

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИгини ОШИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Она заминни асраб-авайлаш ва унга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, тупроқ унумдорлигини ошириш Ватанимиз бойлигини кўпайтиришга хизмат қилади. Ўшбу вазифа қишлоқ хўжалиги мутахассислари, жумладан, олимлардан янгича ёндашуш ва замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, улардан унумли фойдаланишни талаб этади.

Тупроқ унумдорлигини оширишда тупроқ микро-организмлари муҳим ўрин тутушини кўпчилик биланвермайди. Унумдорлиқни қайта тиклаш, зарур кимёвий бирикмалар билан бойитиш, бунинг учун муҳим озиклантириш муҳитини яратиш ва уни тупроқ қўришмасидан ўсимликларнинг илдири тизимига ўтказиш айнан микроорганизмларга боғлиқдир.

Бирок, қишлоқ хўжалигининг жадал ривожлантирилиши тупроқ микроблари микдори ва биохим-ма-хиллигининг қамаиши, ҳосилдорлиқнинг пасайишига олиб келди. Агар ўсимликлар етарлича озиклантирилмаса, турли касалликларга чалинади. Бу эса, табиийки, ҳосилдорлиқнинг пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Баъзи агроном ва ўсимликшунослар кимёвий воситаларсиз мўл ҳосил олиш мумкинлигини тасав-вур этолмайди. Аммо, бугун бунинг илоҳи бора!

Айни пайтда дунёда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кимёвий препаратлар ўрнига самарали микроорганлизмлар техноло-гисидан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш концепцияси қайта кўриб чиқилмоқда. Ўшбу микроорганлизмлар кам маблағ сарфлаб, юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

Мамлакатимиз олимлари ҳам ушбу йўналишда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Жумла-дан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институтини томонидан ишлаб чиқилган инновацион ишланмалар энергия ва ресурс тежайдиган янги биотехнологияларни фаол жорий этиш, яъни минерал ўғитларни органик ўғитлар билан бирга қўллаш орқали деҳқончиликнинг био-логик принципларига босқичма-босқич ўтишни на-зарда тутати. Бошқача айтганда, кимёвий пестицидлар ўрнига биопестицид ва биоинсектицидлар қўлланилади. Бунинг самарасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экологик тоза бўла-ди ва инсон саломатлиги учун хавф тўғдирмайди.

Хусусан, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида Микро-биология институтининг тупроқ микробиологияси лабораториясида самарали микроорганлизмлар техно-логиялари, жумладан, «Fosstim-1», «Fosstim-3» бак-териал ўғитлар, комплекс таъсир кўрсатадиган «Rizokom-1» ва «Rizokom-2» биопрепарати, «Biokom» биокөмпости ва «Serhosi» биопрепарати каби 6 янги бактериал ўғитлар ишлаб чиқилди.

Буларнинг барчаси тупроқ унумдорлигини оши-риш учун фойдали хусусиятларга эга. Масалан, уларнинг таркибидagi фойдали бактериялардан уруғларга экишдан олдин ишлов бериш учун фой-даланилади. Бундан ташқари, ушбу биопрепарат-лар тупроқни тозалаш, соғломлаштириш ва ундаги туз микдорини қамайтиради. Шунингдек, тупроқ микрофлораси ва фаунаси микдорини кўпайти-ради, биохимил-хиллигини таъминлайди.

Чунончи, яшил микро сув ўтлари асосида ишлаб чиқилган «Serhosi» биопрепарати қишлоқ хўжалиги экинларини илдири ва илдиридан ташқари озиклан-тиришга мўлжалланган бўлиб, гўндан фарқли ра-вишда зараркунанда ҳашарот личинкалари, фито-патоген замбуруғлар босишининг олдини олади.

Ўсимликларни озиклантирадиган ушбу биопре-паратдан фойдаланиш минерал ўғитлар ва сув сар-фини қамайтириш имконини беради. Негаки, микро-сув ўтлари тупроқ юзасида яхлит яшил тусдаги қатламни ҳосил қилади.

Фермерлар экологик хавфсиз, энергия ва ре-сурс тежайдиган, иқтисодий самарали биоўғитла-римизга юқори баҳо бермоқда. Бўлиб ўтган Инно-вацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар рес-публика бўйрмаларида ишланмаларимизни харид қилиш қўлайга қиймати 1,5 миллиард сўмликдан зиёд шартнома ва битимлар тузилди.

Янги биотехнологиялар олтига давлат амалий ва битта халқаро лойиҳа доирасида ишлаб чиқилди ҳамда ишлаб чиқариш синоивидан ўтказилди. Учта инновацион лойиҳани амалга ошириш жараёнида улар Ўзбекистон сазавот, полиз экинлари ва кар-тошқачилик илмий-тадқиқот институтини (Тошкент ва Самарқанд вилоятлари), Ўзбекистон пахта селек-цияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнология-лари илмий-тадқиқот институтини филиаллари (Тош-кент, Жиззах, Бухоро ва Андижон вилоятлари) ва Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги фермер хўжаликлариди жорий этилди.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирмайдиган, аксин-ча, уни қайта тиклайдиган деҳқончилик табиий, био-логик, экологик ва тежамкор фаолиятдир. Энг му-ҳими, ушбу йўналишнинг келажаги порлоқ.

Гулнора ЖУМАНИЕЗОВА,
Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси
Микробиология институтининг тупроқ микробиологияси лабораторияси мудири,
биология фанлари доктори.

ЎЗА

Олтинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Нурафшон кўчаси қачон бунёд этилган ва унинг узунлиги неча километрни ташкил этади?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиклол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприklar, хибонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадимжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга ояётган ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк нёзат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» —

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Хар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўлланиси лозим.

Мурожаат учун телефонлар:

233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Спорт янгиликлари

«Бунёдкор» машғулотларни бошлаб юборди

Ўзбекистон чемпионатининг 2-давраси олдидан таркибиди бир қатор ўзгаришларни амалга оширган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси мавсум оралиғидаги машғулотларини бошлади.

Юртимиз миқёсидаги мусобақаларнинг совриндори қаторидан ўрин эгаллашга одатланган «Қалдирғочлар» 14-21 июль кунлари «Чимён» тоғ ён бағридаги «Green Paradise» масканида футболчиларнинг жисмоний ҳолатини янада яхшилаш бўйича тайёргарлик ўтказишди. Мазкур давралар оралиғидаги йигин 22 июль кунидан бошлаб Тошкент шаҳрига кўчирилди.

Асосан ёш, иқтидорли футболчиларга ишонч билдирган ҳолда таркибни шакллантиришга ўрганган Сергей Лушчан бу сафар жамоа тар-

кибига тажрибали Виктор Карпенко, Анвар Ражабов ва сербиялик ярим ҳимоячи Александр Алемпиевични таклиф қилди. Шунингдек, миллий терма жамоамизга номзод футболчи Дилшод Жўраев фарм-клубдан яна асосий таркибга қўшилди.

«Бунёдкор» сафини Сардор Рашидовнинг трансферидан сўнг яна икки нафар футболчи тарқ этди. Ярм ҳимоячи Мирзохид Ғофуров ва ҳужумчи Анвар Бердиев билан амалдаги шартнома томонларнинг ўзаро келишувига кўра бекор қилинди.

Португалиянинг Монтемор-о-Вельо шаҳрида ўсмир-ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари каноэда эшак эшиш бўйича ўтказилган мусобақаларда 2 та кумуш ва 1 та бронза медалига сазовор бўлдилар.

ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИДА
СОВРИНДОР

200 метр масофага ўтказилган беллашувда бир кишилиқ қайиқда Артур Гулиев кумуш медални қўлга киритган бўлса, икки кишилиқ қайиқда 200 метр масофага ўтказилган мусобақада Нилуфар Зокирова ва Дилноза Раҳматова марра чизигини иккинчи бўлиб босиб ўтди.

Дилноза Раҳматова, шунингдек, 500 метр масофага каноэда эшак эшиш бўйича ўтказилган мусобақада бронза медал сохибасига айланди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Ботир ХЎЖАЕВ

«101»

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА
РИОЯ ҚИЛИНГ!

Ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонларининг узоғини яқин қилишда транспорт воситаларининг ўрни беқийс. Метрополитенда ҳаракатланишнинг имкониятлари юқори транспорт турларидан бири ҳисобланади.

Аҳоли ундан фойдаланиш қоидаларини би-лиши ва уларга қатъий риоя қилмоғи лозим. Метрополитен ИИБ ёнғин хавфсизли-ги бўлими ходимлари ҳамда метрополи-тен Ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бўлими ходимлари билан бирга йил бо-шидан бекатларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида текширувлар ўтказиб келинмоқда. Текширув давомида хизматчи-ходимлар билан ёнғин хавфсизлигига ба-ғишланган суҳбат ва йўриқномалар, радио тармоқлари орқали эшиттирилган ўтказил-моқда.

Режага асосан метрополитеннинг Чилон-зор йўналишининг «Миллий боғ», «Пушкин», «Мирзо Улуғбек», Ўзбекистон йўналишининг «Беруний», «Ғафур Ғулом», «Алишер Навоий», «Тошкент», Юнусов йўналишининг «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари ва Ўзбекистон электро деполарида ТИИБ ЁХБ ходимлари ҳамда

метрополитен ишчи-хизматчилари билан бирга ёнғин учирш амалий тактик машғулотлари ўтказилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, метрополитенда фуқароларнинг хавфсиз-лигини таъминлаш мақсадида бекатларда мав-жуд ёнғиндан автоматик равишда хабар бе-риш мосламалари янгиланмоқда ҳамда ёнғин учирш бурчаклари ташкил этилган. Фавқу-лодда ҳолатларда аҳолини қўтқариш чоралари кўрилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда транспорт воситаларидан фойдаланиш чоғи-да ҳамда аҳоли яшаш жойларида ёнғин хав-фсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали ўзингиз ва яқинларингизнинг хавфсизлигини таъминлашингизни эслатиб ўтамыз.

Нурбек АЙНАКУЛОВ,
Тошкент Метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ ЁХБ катта инспектори, кичик сержант

Тошкентнинг «Локомотив» футбол клуби Ўзбекистон чемпионатининг аксарият жамоаларидан фарқли ўлароқ, чемпионатнинг 2-даврасига тайёргарлик кўраётган футболчиларини Австрияга ўқув-машғулот йиғинлари ўтказиш учун олиб кетди.

КУЧЛИ ТАЙЁРГАРЛИК
ҒОЛИБЛИК САРИ УНДАЙДИ

«Темирйўлчилар» жамоа аъзо-ларининг жисмоний ҳолатини оп-тимал ҳолатга олиб чиқиш ҳамда тактик ва техник тайёргарликни маромига етказиш устида иш олиб-борилди. Шунингдек, футболчилар кучига баҳо бериш, уларнинг май-дондаги ҳаракатларини кўздан

кечириш мақсадида Европанинг бир қатор клублари билан на-зорат баҳслари ҳам ташкиллаш-тирилди.

Жумладан, Вадим Абрамов шо-гирдлари «Маккаби Хайфа» клуби-га қарши ўйинда кўплаб яхши ва-зиятларни вужудга келтирган бўлса-

Халқимизда тил билган эл билади, деган нақл бежизга айтилмаган. Бугунги кунда яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, хорижий тилларни мукамал ўрганаётган ёшларнинг сафи ортиб бораётгани қувонарли ҳол.

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ
БИЛАДИ

«Камолот» ёшлар ижтимо-ий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши ҳамда Кенгаш қўшмадаги «Ёшлар ижтимо-ий хизматлар маркази» то-монидан «Тилларни ўргана-миз» дарслари ҳам айнан шу мақсадларда ташкил этилмоқда.

«Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилган «Тилларни ўргана-миз» дарслари ҳам айнан шу мақсадларда ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш,

касбга йўналтириш ҳамда қанатлигини таъминлашга қаратилган мазкур тадбир-да дарслар инглиз ва рус тилларида ташкил қилин-ди. Бунда тил ўрганишни хоҳлайдиган, келгусида ўзи эгаллаган билимлари билан мамлакатимиз та-раққиётига ҳисса қўшиш-ни истовчи ёшларнинг би-лим ва кўникмалари оши-рилганини таъкидлаш жоиз.

Бу каби дарслар мар-казнинг малакали мута-хассислари томонидан интерфаол усулларда ўтказилмоқда.

Замира РАҲМОНОВА

Ёз — ўтмоқда соз!

БОЛАЖОНЛАР
ИЖОДЛАРИНИ
НАМОЁН ЭТИШДИ

«Камолот» ЁИХ, «Ёшлик» Талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан «Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида асфальтга расм чизиш танлови ташкил этилди.

Танловда шаҳарча ҳудудидаги мактаблар қоши-даги соғломлаштириш оромгоҳлари ва маҳалла-ларда истиқомат қилувчи болалар қатнашди.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларда соғлом турмуш кўникмаларини шакллантириш, истеъдодли ёшларни излаб топиш ва иқти-дорларига сайқал бериш, турли ёт ғоялардан ас-раш ва уларда миллий ғурур ва ифтихор ҳислари-ни кучайтириш мақсадида «Ёшлик» талабалар ша-ҳарчаси ҳудудида жойлашган 29-умумтаълим мак-таби қошида «Юлдузчалар», 243-умумтаълим мак-таби қошида «Бойчечак», 261-мактаб қошида «Қал-дирғоч», 326-мактаб қошида «Камалак», 249-мактаб қошида «Қалдирғоч» номли ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилган. Оромгоҳларда таш-кил этилган турли хил маданий-маърифий тадбир-лар, спорт мусобақалари ёзнинг соз ўтишини таъ-минламоқда.

Расм чизиш танлови икки босқичда ўткази-либ, 1-босқичда 7 ёшдан 10 ёшгача, 2-босқич-да эса 10 ёшдан катта бўлган ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбир давомида «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» та-лабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг Сар-дорлар Кенгаши аъзолари томонидан мусикий чиқишлар, «Қувноқлар ва зукколар» шоу дастури меҳмонлар эътиборига намойиш этилди. Ас-фальтга расм чизиш танловида ўғил-қизларнинг юртини мадҳ этувчи ижод намуналари намойиш этилди.

Ўйлаймики, бу каби тадбирлар янгидан-янги иқтидорли ёшларни кашф этишга хизмат қилади.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи ўз ошхона-буфетини 2015-2016 ўқув йилларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида фольет олиб бориш учун

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар 30 июлдан 10 августга қадар қуйидаги ман-зилда қабул қилинади. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 26-уй. Тел: 254-62-49, 254-86-64.

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Х.Сирожиiddинов номли академик лицей ошхона-бу-фетини ижарага бериш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой даво-мида қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-мавзе, 33-уй. Тел: 278-86-50

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 1 майдаги 66к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 24 июлда ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 3/1-уй манзилида жойлашган, бино ва иншоотлар эгаллаган майдони 137 кв.метр бўлган кўп қаватли турар жой биносининг бир қисми, бошлангич баҳоси — 359 221 793 сўм, сотилиш баҳоси — 480 000 000 сўм.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 2025-хона.

Тошкент шаҳрида 5 август кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинларчиқ бўлмайди. Шарқ-дан секундида 5-10 метр тез-ликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи —

38-40 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 5 август ва 6 август эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддалар-нинг сақланиб қолишига им-коният яратади, ифносланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6541 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 16.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ